

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январ-сентябрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 7183,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 2,5 мартага ошди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7183,4	2,5м	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	3968,6	350,1	55,3
бюджет маблағлари	44,2	16,9	0,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	91,7	138	1,3
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фонди маблағлари	0,6	7,5	0,01
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	1048,0	214,7	14,6
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	2784,1	899,6	38,8
Марказлашмаган инвестициялар	3214,5	183,8	44,7
корхоналарнинг ўз маблағлари	2330,7	243,1	32,4
аҳоли маблағлари	417,4	106,3	5,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар кўшилган ҳолда)	55,4	106,9	0,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	411,1	130,9	5,7


Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 6423,8 млрд. сўми ёки 89,4 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 759,6 млн. сўм ёки 10,6 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

2018 йил январ-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	7183,4	2627,3	4556,1
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	36,0	31,2	38,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	31,4	64,1	12,5
Бошқа ҳаражатлар	32,6	4,7	48,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январ-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 38,0 фоизли пунктга камайган, машина-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 6,8 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 31,2 фоизли пунктга кўпайган.

2018 йил январ-сентябр ойларида асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2018 йил январ-сентябрда умумий майдони 505,9 минг кв.м. бўлган 2274 та (2017 йил январ-сентябрга нисбатан 98,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 474,8 минг кв.м. (117,0 фоиз) 1778 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 481,5 млрд. сўми ёки 63,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 106,0 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 14,0 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 66,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 8,7 фоизини ташкил қилди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январ-сентябрда 1382,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 123,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 440,8 млрд.сўм (жами қурилиш ишлари ҳажмининг 31,9 фоизи)ни ёки ўсиш суръати 215,4 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,0 фоизли пунктга кўпайди.

Ушбу кўрсаткич ижобий прогнозларда бажарилиги айрим туман(шаҳар)ларда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йирик қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини кўпайиши кузатилади.

Шу жумладан, Зарафшон шаҳрида қурилиш - пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 356,1 млрд.сўм (йирик пудрат корхоналари томонидан бажарилган қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 86,8 фоизи)ни, ўсиш суръати 283,3 фоизни ташкил этди.


2018 йилнинг январ-сентябрида шаҳар (туман)лар кесимида қурилиш ишлари ҳажми қуйидагича ифодаланади

	Жами		Шу жумладан	
			Ҳудудий қурилиш-пудрат ташкилотлари	
	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, фоизда
Вилоят жами	1382,3	123,1	410,4	291,8
<i>шаҳарлар</i>				
Навобий ш.	247,0	104,7	15,9	242,6
Зарафшон ш.	392,0	283,3	356,1	283,3
<i>туманлар</i>				
Кармана	179,8	114,4	16,7	59,1
Конимех	22,3	145,9	-	-
Қизилтепа	194,5	95,1	17,1	87,3
Навбахор	87,7	81,0	-	-
Нурота	78,2	88,0	-	-
Томди	2,2	76,9	-	-
Учқудук	18,8	117,8	-	-
Хатирчи	159,5	96,6	4,6	-


2018 йил январ-сентябр ойларида энг кўп қурилиш ишлари Зарафшон шаҳри (вилоятнинг умумий ҳажмидан 28,4 %), Навобий шаҳри (17,9 %), Қизилтепа тумани (14,1 %), Хатирчи тумани (11,5 %) ва Кармана туман (13,1 %)ларидаги корхоналар томонидан бажарилган бўлиб юкоридаги туманлар улуши вилоятдаги қурилишнинг асосини ташкил этмокда.

Бунга асосий сабаб ушбу ҳудудларда йирик пудрат ташкилотлари ҳамда кичик бизнес бошқа ҳудудларга нисбатан анча ривожланганлигидадир.

2018 йилнинг январь-сентябрида шаҳар (туман)лар кесимида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари (минг сўмда)



2018 йил январь-сентябрда бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг технологик таркиби




Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 977,5 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 70,7 фоизини ташкил қилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,6 фоизга камайди.

Ҳисобот даврида бу кўрсаткич Кармана тумани қурилиш ишлари ҳажмида 90,7 фоизни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 фоизга кўпайди), мос равишда бу кўрсаткич Қизилтепа туманида - 100,0 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида Давлат мулки асосидаги қурилиш корхоналари томонидан эса 404,8 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 29,3 фоизини ташкил қилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,6 фоизли пунктга ошди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



2018 йил январь-сентябрь ойлари қурилиш ишлари ҳажмининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

